

**САМАРҚАНД ВИЛОЯТ СУДИ ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА
СУДЛОВ ҲАЙЪАТИ АПЕЛЛЯЦИЯ ИНСТАНЦИЯСИНИНГ
А Ж Р И М И**

№ 1-1401-2103/341

2021 йил ноябрь ойининг 4 куни Самарқанд вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг апелляция инстанцияси ўз биносидан, очиқ суд мажлисида, раислик қилувчи вилоят судининг судьяси И.Хамидов, ҳайъат судьялари О.Набиев ва Ҳ.Ярашовдан иборат таркибда, судья катта ёрдамчиси М.Садиқовнинг котиблигида, тарафлардан Самарқанд вилоят прокуратурасининг бўлим прокурори Н.Ўрозалиев, судланувчи А.Б.,нинг ҳимоячиси – адвокат Н.Сафаровнинг иштирокида, жиноят ишлари бўйича Самарқанд шаҳар судининг 2021 йил 31 августдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 3-қисми “а” банди билан судланувчи

А.Б., (А.В.), [REDACTED] куни Самарқанд вилоятида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта, ишсиз, оилали, икки нафар фарзанди бор, муқаддам:

1) жиноят ишлари бўйича Жомбой туман судининг 2017 йил 12 январдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 227-моддаси 2-қисми “а” банди ва 25,169-моддаси 1-қисми билан ЖКнинг 59-моддасига асосан ойлик иш ҳақининг 20 фоизи миқдорини давлат даромади ҳисобига ундирган ҳолда 3 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланиб, тайинланган жазодан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2016 йил 12 октябрдаги “Амнистия тўғрисида”ги Қарорига асосан озод қилинган;

2) жиноят ишлари бўйича Самарқанд шаҳар судининг 2017 йил 6 июндаги ҳукмига кўра, ЖКнинг 25,169-моддаси 2-қисми “г” банди билан ЖКнинг 62-моддасига асосан 2 йил 11 ой 18 кун озодликни чеклаш жазоси тайинланган, жиноят ишлари бўйича Қарши туман судининг 2020 йил 25 декабрдаги ажримига кўра, ўталмай қолган 1 йил 3 ой 16 кун озодликдан маҳрум қилиш жазосидан ЖКнинг 73-моддасига асосан муддатидан илгари шартли равишда озод қилинган, Самарқанд шаҳри [REDACTED]-хондонда яшаганга

нисбатан чиқарилган ҳукм устидан судланувчи А.Б,нинг апелляция шикоятига асосан жиноят ишини апелляция тартибида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

а н и қ л а д и :

А.Б,га Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 3-қисми “а” банди билан ЖКнинг 57-моддаси қўлланиб, 3 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиб, ЖКнинг 60, 61-моддаларига асосан асосан жиноят ишлари бўйича Жомбой туман судининг 2017 йил 12 январдаги ҳукми билан тайинланиб, ўталмай қолган 1 йил 3 ой 16 кун ахлоқ тузатиш ишлари жазоси қисман қўшилиб, узил-кесил 3 йил 2 ой озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган.

Жазони қаттиқ тартибли колонияларда ўташ белгиланган.

Суднинг ҳукмига кўра, А.Б, хавфли рецидивист бўла туриб, 2021 йил 12 январь куни соат 21:00ларда шаръий никоҳда бўлган турмуш ўртоғи Отабоева Фотима Тохир қизи билан биргаликда Самарқанд шаҳар “Новбоғчиён” маҳалласи “Новбағчиён” кўчаси 27-уйга меҳмондорчиликка бориб, ушбу хонадон эгаси жабрланувчи Ортикова Мавжуда билан овқатланиб, спиртли ичимлик истеъмол қилиб, хонадон эгаси жабрланувчи М.Ортикованинг маст бўлиб қолганлигидан фойдаланиб, судланувчи Ф.Отабоева билан ўзаро тил бириктириб, ётоқxonанинг эшигини темир буюм билан бузиб, ётоқxонага ғайриқонуний равишда кириб, у ердан жами Ўзбекистон Республикаси миллий валютасида 1.047.320 сўмга тенг бўлган 100 АҚШ доллари ва 2.300.000 сўм пулларни яширин равишда талон-торож қилишиб, воқеа жойидан яширинган.

Сўнгра, судланувчи Н.Эргашов ва Ф.Отабоева жабрланувчи М.Ортиковага тегишли бўлган 100 АҚШ доллари ва 2.300.000 сўм пулларни қўлга киритгач, шу куннинг ўзида соат 22:00ларда Ф.Отабоеванинг укаси судланувчи Мавлонов Шавкат Тоирович ва унинг таниши Ашуров Исмоил Нишоневичлар билан биргаликда Самарқанд шаҳри “Саттепо” масканида жойлашган “Икром шашлик” номли ошxонага бориб, ушбу ўғирланган пуллардан 303.000 сўм қисмини овқатланиш учун сарфлашган.

Шундан сўнг, судланувчи Мавлонов Шавкат Тоирович опаси судланувчи Отабоева Фотима Тохир қизи ва поччаси судланувчи А.Б, томонидан жабрланувчи М.Ортиковага тегишли бўлган мулк ва пулларни яширин равишда талон-торож қилинганидан беҳабар ҳолатда, Самарқанд шаҳар Саттепо масканида жойлашган “Икром шашлик” номли ошxонадан овқатланиб чиқишганидан сўнг биргаликда И.Ашуровнинг Самарқанд шаҳар “Янги ариқ” МФЙда жойлашган яшаш уйига боришганида, судланувчи А.Б, ўзида бўлган пулларни опаси судланувчи Ф.Отабоевага берганини кўриб, унда ушбу пулларни қўлга киритиш нияти пайдо бўлиб, барчаси маст ҳолатда ухлаб қолишганида, ўзининг жиноий ниятини

амалга ошириш мақсадида, 2021 йил 13 январь куни эрталаб соат 05:00ларда опаси судланувчи Ф.Отабаевани ҳам ухлаётганидан фойдаланиб, унинг эғнида бўлган халатини чўнтагидан билдирмасдан 800.000 сўм миқдоридаги пулларни ўғирлаб олиб, шундан сўнг қўлга киритган пулларини 450.000 сўмига "Sport Seven" номли велосипед ва 120.000 сўмга "Iphone 4" русумли уяли телефон воситасини сотиб олган.

Судланувчи Н.Эргашов ва Ф.Отабоева жабрланувчи М.Ортиковага тегишли бўлган 100 АҚШ доллари ва 2.300.000 сўм пулларни қўлга киритганидан қолган қисмига 2021 йил 13 январь куни бир дона "Нокиа", бир дона "Самсунг", бир дона "Сигмател" ва бир дона "CRTEL" русумли уяли алоқа воситаларини сотиб олишган.

Мазкур суднинг ҳукми билан Ф.Отабоева ва Ш.Мавлоновлар ҳам судланган бўлиб, ишнинг уларга оид қисми бўйича шикоят ёки протест келтирилмаганлиги сабабли муҳокама қилинмайди.

Судланувчи А.Б,нинг апелляция шикоятида, унга нисбатан бўлган жиноят иши бир томонлама кўриб чиқилганлиги, унинг айби йўқлиги, шундай бўлса-да, тўққиз ойдан буён қамоқда эканлиги сабабли жазодан озод қилишни сўраган.

Судлов ҳайъати, иш бўйича вилоят судининг судьяси Х.Ярашовнинг маърузасини, прокурор Н.Ўрозалиевнинг суд ҳукмини ўзгаришсиз, апелляция шикоятини қаноатлантирмасдан қолдириш ҳақидаги, судланувчи А.Б,нинг ҳимоячиси – адвокат Н.Сафаровнинг апелляция шикоятини қаноатлантириш ҳақидаги фикрларини тинглаб, апелляция шикоятида келтирилган важларни жиноят иши ҳужжатлари билан бирга таҳлил қилиб, қуйидаги асосларга кўра суд ҳукмини ўзгартириб, келтирилган шикоятни қисман қаноатлантиришни лозим топди.

Биринчи инстанция суди томонидан содир этилган жиноят тафсилотлари тўғри аниқланиб, судланувчи А.Б,нинг айби тасдиқланганлиги тўғрисида асосли хулосага келган ва унинг жиноий ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 3-қисми "а" банди билан тўғри квалификация қилинган.

А.Б,нинг апелляция шикоятидаги, унга нисбатан бўлган жиноят иши бир томонлама кўриб чиқилганлиги, унинг айби йўқлиги ҳақидаги важлари билан келишиб бўлмайди.

Чунки, А.Б,нинг содир этган жинояти биринчи инстанция суди мажлисида сўралган жабрланувчи М.Ортикованинг, 2021 йил 12 январь куни Ф.Отабоева ўзи билан бир ўрта ёшли эркакни ўзи билан бирга олиб келиб, унга А.Б,ни турмуш ўртоғи деб таништириб, биргаликда овқатланишни сўраганини, А.Б, ўзи билан бир шиша ароқ спиртли ичимлигини олиб келганлигини овқатланиб ароқ спиртли ичимлигини истеъмол қилишни айтганини, шунда у уларни таклифига рози бўлиб, уйда бўлган масаллиқлардан овқат тайёрлашини айтганини, овқат тайёрлаб улар биргаликда овқатланиб, ароқ спиртли ичимлигини

истеъмол қилишганини ва ароқ тугаганлиги сабабли Ф.Отабоева ундан яна пул беришни ва ароқ олиб келишини айтганини, шунда у ичкаридаги уйга кириб, уйни қулфини очиб, ичкаридан кийим-кечаклар орасидан 20.000 сўм пул олиб, Ф.Отабоевага берганини ва уйни эшигини қулфлаганини, Ф.Отабоева дўкондан ароқ спиртли ичимлигини олиб келганини ва ушбу ароқ ичимлигини ҳам биргаликда истеъмол қилишганини, у маст бўлиб қолганлиги сабабли ухлаб қолганини, эртаси кун эрталаб уйқудан турса ошхонада турган бир баклашка ёғ ҳамда бир целлофан пакетда солинган таглик (памперс) уйнинг ўртасида турганини кўриб, у ушбу нарсаларни олиб ичкарига олиб кирмоқчи бўлганини, шунда эшик олдида борса эшикнинг қулфи бузилган ҳолатда эканини кўриб, зудлик билан пул турган жойни текшириб кўрганини ва унинг пуллари йўқлигини билганлиги ҳақидаги;

- судланувчи Ф.Отабоеванинг у ва турмуш ўртоғи А.Б, М.Ортикованинг пуллари қерда турганини кўрганларидан сўнг, шу пулларни олишга қарор қилишганини, соат тахминан 22:00да ичкари хона қулф бўлганлиги сабабли, А.Б,га пулларни олиш мақсадида эшикнинг қулфини бузиб беришни айтганини, А.Б, эшик қулфини бузиш учун темир бўлагини олиб келиб, эшикнинг қулфини бузганини ва ичкарига у билан кирганини, шунда А.Б, билан ичкарига кирганларида, у кийимларнинг тагига яширинган 100 АҚШ доллари ва миллий валютадаги пулларни олиб, А.Б,га берганини, А.Б, эса пулларни ўзининг чўнтагига солиб қўйганлиги ҳақидаги кўрсатувлари;

- шунингдек, ишда тўпланган далилар, яъни жабрланувчи М.Ортиковани оғзаки аризасини қабул қилиш баённомаси, 2021 йил 16 январдаги ҳодиса жойини кўздан кечириш баённома ва унга илова қилинган фотожадваллар, тушунтириш хатлари, судланувчи Ш.Мавлоновдан далилий ашёни олиш тўғрисидаги баённома, судланувчи Ф.Атабаевадан далилий ашёни олиш тўғрисидаги баённома, судланувчи А.Б,дан далилий ашёни олиш тўғрисидаги баённома, З.Уруновдан жами 450.000 сўм миқдоридagi пулларни олиш тўғрисидаги баённома, Самарқанд шаҳрида жойлашган “Икром” номли ошхонада харид қилинган озиқ-овқатларнинг чеки, Самарқанд шаҳри бўйича ИИО ФМБ эксперт-криминалистика бўлимнинг 2021 йил 1 февралдаги 22-сонли трассологик экспертизаси хулосаси, нарсани кўздан кечириш ҳақидаги баённома ва унга илова қилинган фотожадваллар, ашёвий далил деб эътироф этиш ва уни жинойт ишига қўшиш ҳақидаги қарор, айбланувчи А.Б,нинг кўрсатувларини ҳодиса содир бўлган жойда текшириш тўғрисидаги баённомаси ва унга илова қилинган фотожадваллар, айбланувчи Ф.Отабоеваларнинг кўрсатувларини ҳодиса содир бўлган жойда текшириш тўғрисидаги баённомаси ва унга илова қилинган фотожадваллар, судланувчи Ф.Отабоева ва А.Б,ларни ўртасида ўтказилган

юзлаштириш баённомалари, сўроқ баённомалари ҳамда жиноят ишида тўпланган бошқа ҳужжат ва далиллар билан тўлиқ ўз исботини топган.

Шу маънода биринчи инстанция суди судланувчи А.Б,га Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 3-қисми “а” банди билан айблов ҳукми чиқариб, тўғри тўхтамга келган.

А.Б,нинг апелляция шикоятдаги, у тўққиз ойдан буён қамоқда эканлиги сабабли жазодан озод қилиш ҳақидаги важлари билан ҳам келишиб бўлмайди.

Чунки, биринчи инстанция суди А.Б,га жазо тайинлашда, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 7, 8-моддаларида кўрсатилган инсонпарварлик ва одиллик принципларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли Қарорининг 3-бандида, ЖКнинг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши, ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларига мувофиқ бўлиши кераклиги тўғрисида ҳамда 26-бандида, озодликдан маҳрум қилиш жазо тариқасида оғир ва ўта оғир жиноятлар содир этган шахсларга, шунингдек судланувчининг шахсини инobatга олган ҳолда — ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятларни содир қилган шахсларга нисбатан, агар бундай шахсларни жамиятдан ажратмаган ҳолда ахлоқан тузатишнинг имкони бўлмаса, қўлланилиши ҳақидаги тушунтиришларга риоя қилиб, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 55 ва 56-моддаларида назарда тутилган жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни эътиборга олиб, унинг шахсини, муқаддам шу турдаги жиноятни содир этиб ўзига ижобий хулоса чиқармаганлигини, содир этган жиноятга иқрор эмаслигини ва пушаймонлик билдирмаганлигини, содир этган жиноятининг ижтимоий хавфлилик хусусияти ва даражасини эътиборга олиш билан бир қаторда унинг оилавий ва моддий аҳволини, жиноят нитажасидан етказилган зарарнинг миқдорини, жабрланувчига етказилган моддий зарар қисман қопланганлигини инobatга олиб, ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, қонун санкциясида белгиланган озодликдан маҳрум қилиш жазосининг энг кам қисмидан ҳам камроқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлаб, қонуний, адолатли ва асосли хулосага келган.

Шу сабабли, судлов ҳайъати шикоятдаги важлар суд ҳукмини ўзгартириш ёки бекор қилишга асос бўла олмаслиги боис, суд ҳукмини ўзгаришсиз, апелляция шикоятини қаноатлантирмасдан қолдиришни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 497¹³, 497²⁶ ва 497³¹ -моддаларига амал қилиб, апелляция инстанцияси суди

